





# 1945 — 9 май — 1997 — Галаба кунни байрам

**Шахримиздаги Катта Қаъни даҳасида яшовчи Тўхтабек ота яратганга минг бор шукроналик билан умр кечиратган табаррук инсонлардан. Ибботи — ёру биродарлари, 45 дан зиёд бири-биридан ширин неваралари, 20 дан ортиқ чеваралари ардоғида кексалик гаштини сураётгани.**

Ҳаётнинг не-не қийинчилиги ва аламларини ўз бошидан мардондор кечирган бу отахон тақдирга тан бериб, шу ёруғ ва дуромон кунларда етгани, қолавераси, саксондан дадил сакраб, тўқсон ёш эшигини тақиллатаётганидан шукр қилаётган, эртаю кеч тилида ва дилида дуо билан яшаётганлардан бири.

Зеро у ўтган иккинчи жаҳон уруши жангтоҳлари-жаҳаннамдан бутун чиққан, омон қолганлардан. Ўша оғир ва унутилмас ўтмиши, яъни 1931 йилда кекса ота-онаси ҳамда икки нарасида укаси — Мавлонбек ва Умарбеклар билан галамислар атайин уюштирган тўхмат қўрбони бўлиб, синфий душман кулфатидан омон юртдан бегона юртга келиб, Ватандан айрилиқ азобида чидалмай, жон таслим қилишлари; укаларининг болалар уйига жўнатилиши; Ватан эл-юрт соғини, хўрлик, адолатсизликдан чеккан азоблари, изтироблари, ўзи каби қардош ўлкадан сургун қилинган библинисога ўлиниши, Украинанинг Скадовская тумани пахта тозалаш заводидан тинчани кўришувчи оғир меҳнат қилиши, тўрт фарзандли бўлиши ва нихоят, иккинчи жаҳон урушининг бошланиши, оила аъзолари ва укаларининг аянчли тақдир, беҳисоб нотаниш йўллар, дарёлар, сувлар... ҳали-ҳали унинг кўз ўнгидан кичик тасмаларидаги лилпилаб ўтиб туради, тушларига киради. Қўлини дуога очиб, узундан узок фотиҳа қилади: «Эй Худо, биз кўрган бу даҳшатларни инсон эъти асло кўрмасин, дунёда тинчлик, омонлик, осойишталик бўлсин, омин».

У кўпроқ эртани, юртда тинчлик, хотиржамликни ният қилади. Украинадаги пайтида туғилган фарзандлари — Тўрабек, Баҳромбек, Зебинисо, Мукаррам, хуллас барча ўғил-қизлари — жигарбаландлари дийдорини тез-тез қўриб турмаси, худди бир нарасини йўқотгандек безовта бў-

лаверади. Кенжаотой Қобилбек-ники, кўнда бўлмаси, кунора ойнаи жаҳонда қўриб, шундай мўмин-қобил, гапта чечан ўғли борлигидан бир қоп семиради.

Ундан каттаси Азимбек ҳам барака топсин, жуда одамхон, шинаванда чиққан. У мактабда ўқитувчи, уй соҳиби бўлганидан, яшайётганлардан бири.

## Жасоратнома

## ЙИГИРМА БИР ДАРЁНИ КЕЧИБ



қолавераси бирга туришгани учун келди-кетди узилмайдиган хонадонларининг эшиги эртаю-кеч очик, камтарона дастурхонлари доим ёзилдик. Дам-бадам телефон жўриглаб, узок-қичидаги жигарлар, ёру дўстлар хонадон соҳибларининг тинч-хотиржамликларидан хабар олиб туришди.

Баъзан болалар боболарининг атрофини ўраб, унинг мардондор кўсини безаб турган шода-шода эсдалик нишонларини қўллар билан ушлаб қўриб, уни саволга тутишди:

— Урушга қаердан қақирилгансиз, буважон?

— Украинанинг Николаев вилоятидаги Скадовская туманидан. У. Қора денгиз бўйида жойлашган эди.

— Денгизда роса чўмилган, қорайган бўлсангиз керак-а?

— Албатта, денгиз бўйида бўлиб, чўмилмайманми, қорайиб, пишиб бамисоли гаввос бўлиб кетган эдим ўзим ҳам.

— Буважон, сиз уруш пайтида ҳам Қора денгизда чўмилганмисиз?

— Йў-е, болам. Душманни орқасидан қўвиб, уни тирктириб борганимизча, янглишмасам, йигирма битта дарёни эгизда кечиб ўтганимиз.

— Уларнинг номлари эсингизда борми?

— Ҳаммаси эсимда турибди дейсанми, бўталогим. Хотирамда қолганлари Волга, Днепр, Днестр, Прут, Тисса, Нейсе, Одер, Элба...

— Висла дарёси-чи?

— Йўқ, биз Польшада бўлганмиз, уни ўртада қолдириб, Руминия, Булгария, Венгрия, Чехословакия орқали Берлинга борганимиз.

— Бой-бў, шунча шаҳарларни кўрганмисиз?

— Ҳа, урушдан кейин анча вақт хатто Австрияда ҳам бўлганмиз.

— Урушда нима иш қилгансиз ўзи?

— Оғирлиги 100 килограммдан ортиқ келадиган зилзамбил снарядларни отиш учун даст кўтариб, тўннинг оғизига тўрилаб қўйрдим. Нишонга олишни эдим.

— Ҳеч нарсадан қўрқмасмидингиз?

— Ҳой болам, сен мени ким деб ўйлагансан ўзи? Гвардиячи ефрейтор Тўхтабек Каримбеков бўламан-а...

Тўхтабек ота шундай дедик, саволга тутган болаларига қараб: «Боринглар энди, бир чоп қилиб ўйнаб келинглар», деди.

У неварча-чевараларининг чўғулашиб, шўх-шодон ташқари-га қўриб кетаётганликларига қараб, умрининг беҳуда ўтмаганлигидан завқланиб, юзига фотиҳа тортиди.

Искандар РАҲМОН.

# Зафар шукҳига тўлагур осмон, Марг аскар руҳин ардоқла, инсон!

**1978 йилдан бери урушдан қайтмаган ўзбекистонликлар тақдирларини аниқлаш билан шугулланмоқдаман. Шу жумладан 1992 йилга қадар 14 йил давомид Россия Федерацияси Мудофаа вазирлигининг Подольск шаҳридаги Марказий архивда изчил тадқиқот олиб бордим.**

Шу жараёнда 34 мингта ҳамюртларимиз дафн этилган шаҳарлар, қишлоқлар, дарёларнинг қир-қоқлари, тепаликлар ва ўрмонзорларни аниқлашга муваффақ бўлдим. Улардан 10 минг кишининг тақдир ҳақидаги маълумотлар 1993 йилда «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Абадий дилимизда-сиз» деб номланган хотира китобида ўз ифодасини топди.

## Мангупик

## ИЗЛАНИШ ДАВОМ ЭТАДИ

Бу жиҳатдан Галабанинг 50 йиллиги муносабати билан 1995 йилда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар бўйича хотира китоблари нашр этилганлиги айни мўдда, мақсадга мувофиқ бўлди.

Лекин лаънати уруш туфайли бошига мусибат тушган ҳамюртларимиз хозиргача ҳам оталари, акалари, ўғиллари, умр йўлдошлари, қариндош-уруғлари тақдирларини аниқлаб беришни илтимос қилиб ҳат эзишди.

Қўйида илтимослар бўйича тақдирлари аниқланган марҳум жангчилар авлодлари йўлаган мактублар мазмунини билан таништиришни лозим топдим.

«Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рашид Содиков акам бўлади. У марҳум отам Хайдаржон Содиков юрти бўлган Қўқон шаҳрида яшайди. Акамнинг хабар қилишича, шаҳар газетаси саҳифасида ёритилган мақолада марҳум жангчилар рўйхати, шу жумладан хозиргача бедарак бўлган дадамизнинг номи эълон қилинибди. Биз кўп йиллар суриштириб, дадамиз тақдирларини аниқлай олмаганимиз. Мана энди қабрларини зиёрат қилиб, руҳларини шод этиш имкониятига эга бўлдик», — деб ёзибди Тошкент шаҳрида истикомат қилувчи «Ўзбекфильм» студияси режиссёри Фарҳод Хайдаров.

Тошкент шаҳридаги Ялта қўчасида истикомат қилувчи тиббиёт фанлари доктори Оқил Исоқов ўз мактубида шундай деб ёзибди: «Тошкент оқшомини» газетаси саҳифасида ёритилган мақолада биз кўп йиллар излаган, урушдан қайтмаган Комил акамнинг тақдир аниқланганлиги маълум қилинган экан. Бу хабардан дилим равшан тортиб, бошим осмонга етди».

«Урушдан қайтмаган акам Зокир Азизовнинг ҳалок бўлганлиги ҳақида қорайиб келган, аммо дафн этилган жойи ёзилмаган эди. Ота-онам кута-кута оламдан ўтишди. «Тошкент оқшомини» газетаси саҳифасида «Бу номлар кимга таниш?» сарлавҳали мақолани ўқиб, қалбим яйраб кетди, чунки унда акам тақдир аниқланганлиги ҳақида маълумот берилган экан», — деб ёзибди укаси.

«Тошкент оқшомини» газетаси саҳифасида марҳум жангчилар тақдирлари тўғрисида ёритилган мақола-ни ўқиб, ўзимни йўқотиб қўйдим, чунки унда акам Зухриддин Мавлонов номи ҳам тилга олинган экан. Биз акам тақдирини аниқлаш учун жуда кўп жойларга мурожаат қилганимиз. Аммо ҳеч қандай натижа чиқмаган. Шунинг оқибатида армон билан яшамокда эдик. Мана энди ҳалок бўлган бўлса ҳам, дафн этилган жойи аниқ бўлганлигидан хурсанд бўлдим», — деб ёзибди Тошкент шаҳридаги Фармон қўчасидан Абдурауф Мавлонов.

Тошкент Давлат педагогика институтидида катта ўқитувчи бўлиб ишлаётган Мирзахон Мирзахмедов ўз мактубида шундай деб ёзибди: «Тошкент оқшомини» газетаси саҳифасида ёритилган мақолани ўқиб, «Сағбон қўчасидан фронтга йўл олган қайноғам Сафо Мухаммедов тақдир аниқланганлигидан жуда хурсанд бўлдим. Агар оталари Зиёбей Холмухаммедов, оналари Ойниса Азимова, укалари Холмас Холмухаммедовлар омон бўлишганда бу хабардан диллари равшан торган бўлишарди».

Қўйида юқорида номлари тилга олинган марҳум жангчилар тақдирлари ҳақида Марказий архив фондларидан аниқланган маълумотлар уларнинг авлодлари эътиборига ҳавола этилмоқда.

Содиқов Хайдаржон — 1901 йилда туғилган, 202-ўқчи дивизия таркибидан жанг қилган. 1945 йил 11 январь кунни ҳалок бўлган, Чехословакиядаги Точница қишлоғидан 4 километр жанубда — 333 тепалигидан 250 метр жанубда дафн этилган.

Азизов Зокир — 1925 йилда туғилган, 144-ўқчи дивизия таркибидан жанг қилган. 1944 йил 8 февраль кунни ҳалок бўлган, Витебск вилоятининг Витебск районидида Старенци қишлоғида дафн этилган.

Мавлонов Зухриддин — 1918 йилда туғилган, 20-гвардиячи ўқчи дивизия таркибидан жанг қилган. 1943 йил 17 июль кунни ҳалок бўлган, Харьков вилоятининг Изюмск районидида Средний қишлоғидан 1,5 километр Шимолий гарб томонда дафн этилган.

Исоқов Комил — 1923 йилда туғилган, 1944 йил 17 март кунни жангда ҳалок бўлган. Киев вилоятидаги Умань шаҳрида дафн этилган.

Холмухаммедов Сафо — 207-ўқчи дивизия таркибидан жанг қилган. 1944 йил 16 январь кунни ҳалок бўлган, Калинин вилоятидаги Заратые қишлоғидан 900 метр жанубда дафн этилган.

Шу кунларгача ҳам номаълум бўлиб қолаётган марҳум жангчилар тақдирларини аниқлаш бўйича изланиш олиб боришни изчил давом эттириш керак. Зеро, ҳеч ким, ҳеч нарсаси унутилмаслиги лозим!

Маҳид САМАДОВ,  
уруш ва меҳнат фахрийси.

**Уруш, жанглар, ғолиблар ҳақида сўз борар экан, беҳитиёр фронт ортидаги фронт ҳақида сўзлагимиз келади. Ўзбек халқи марди, меҳнатсевар, меҳмондўст, савоҳатли ва бағри кенг халқ эканини яна бир бор исботи билан намойён қилди.**

Душман устидан галаба қозониш учун Ўзбекистон меҳнаткашлари жуда кўсқа муддатларда янги каналлар, завод ва фабрикалар, шахта ва нефть қонари, ириятиги иккитолари қўриқлар, омон уруш йилларида Ўзбекистонга 93 та катта завод ва фабрикалар кўчириб келтирилди. Уруш йилларида ҳаммаси бўлиб Ўзбекистонда 280 дан ортиқ корхона ишга туширилди. Республика саноатида қўрол-яроқ, ўқ-дорик, станоклар, электр ускуналари ва шу каби зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

## Хотира

## ТАРИХИМИЗ БЎЛАГИ

Фронтга деҳқонлар томонидан узлуksиз равишда етказиб турилган, пахта, ипак, қанол, жун каби хом ашёлардан иссиқ кийим-кечаклар тайёрланди. Бу кийим-кечакларда ўзбекистонликларнинг меҳри, галабага ишонни ўз аксини топгандек эди.

Булардан ташқари, республикамиз аҳолиси орасида мулоффа фондига иштироки равишда пул тўлаш, жангчиларга иссиқ кийимлар ва озиқ-овқатлар йўлатиш, фронтга кетганларнинг оилаларига ёрдам кўрсатиш ҳаракатлари кенг ўсди. Республика меҳнаткашларининг топшириган маблағлари ҳисобига танк колонналари ва авиаэскадронлар бунёдга келтирилди.

Шу ўринда мана бу далилни келтирмоқчимиз: «Қўрсак ва Орел остоналаридаги жангларда «Ўзбекистон» бронепоезди ўз номини шон-шухратларга бурқиди. Душман қўмондонлиги бронепоездини қандай бўлмасин мажбурлаб ташлашга аҳд қилди. Лекин мақсадига ета олмади. Олти кунлик жанг мобайнида «Ўзбекистон» бронепоезди душманининг етти самолётини уриб тўширди. Ўзбек халқининг асл фарзанди генерал Собир Раҳимов командирлик қилган гвардиячи дивизия Кавказ учун олиб боришга ўқиб олиб жанг мобайнида душманининг 8 миң аскар ва офицерини ер тиллатди».

Ўзбек халқи гитлерчилар вақтинча босиб олган жойлардан қўчириб келтирилган завод ва фабрикаларнинг ишчиларини меҳрибонлик билан, қардошларча қўлиб олди. Уларни турар жой, тиббий хизмат, озиқ-овқат билан таъминладилар. Ўзбекистонга эвакуация қилинган 200 миңдан кўпроқ ота-онасиз қолган бола қордошларимиз томонидан ўз қарамонига олинди.

Етим ва қаровсиз болаларни ўз қарамонига олган Шоҳмад Шомеҳмудов ва унинг рафиқаси Баҳромхон Аҳмадова номлари меҳрининг, савоҳатининг тилимоллига айланди ва тарихимизнинг варақларига зарҳал ҳарфлар билан битилди.

Фашист босқунчиларига қарши қурашларда қарамонлик ва жасорат кўрсатганликлари учун Ўзбекистонлик 282 жангчи уруш қарамони деган уқовк унвога сазовор бўлди. 120 миңдан ортиқ киши ордан ва медаллар билан мукофотланди.

Ўзбекистон Республикаси кинно, расм ва овозли ҳужжатлар Марказий Давлат архивига 1941-45 йиллар ўралиши оид ҳужжатлар сақланмоқда. Фронт орқасидаги қарамонликлар ҳақида хўсқа қилувчи ишбу ҳужжатлар мажмуасида кўрсаткичлар асосини ўзини тасвирлади. Уларда Ўзбек халқининг галабага бўлган ишончи ёрқин акс этган. Кинноҳужжатлар қимматли тарихимизнинг бир бўлаги сифатида сақланиб келмоқда. Булардан ташқари овозли ёзувлар ҳам ўша давр руҳини бизга етказишга ягона восита сифатида сақланмоқда.

Умид АҚРАМОВА.

Ўзбекистон Республикаси кинно, расм ва овозли ҳужжатлар Марказий Давлат архивини ҳужжатлардан фойдаланиш бўлими мудири.

Экипаж командири зобит Миролли Исмурзаев ҳақли равишда эди тақрибиди учувчилардан саналади. Сон-саноксиз жанговар топшириқлари бекаму-кўст адо этган, кўп маротаба раҳбариятининг ташаккурномаларига сазовор бўлган бу босиқ-вазмин зобит шуурини айни пайтда қандайдир заифгина ташвиш, ҳаёжон туйғуси эгаллаганиди. Хар сафар масъулиятли парвоздан олдин у шундай ҳолатни бошидан кечирарди. Шунга айтиш керакики, ҳаёжонга тулган биргина у эмасди, экипаж аъзоларини ҳам шунга ўхшаш ҳиссиёт қамраб олганди. Сабаби маълум — қишқи мавсум якуний синов машғулотлари қизғин паллада, яна бир соатдан кейин ҳарбий учувчилар масъул офицерлардан иборат комиссияга ўз билим ва малакаларини намойиш қилишлари лозим.

Холбуки, уларнинг ташвишланишига мутлақо асос йўқ эди. Хар бир учувчи мазкур синов парвозига муқтадил тарзда нихоятда пухта ҳозирлик қўрган, шунингдек эскадрилья командири капитан Маъмур Аминов раҳбарлигида махсус тайёргарлик босқинидан ўтганлариди. Тайёргарлик жараёни якунида ўтказилган йиғилишда зобит Д. Коновалов шахсан ўзи учувчиларнинг билим даражасини текшириб қўриб, қониқиб ҳосил қилганди.

Шу билан бирга, самолётнинг «юраги» ҳисобланмиш турта турбовинтли двигател, ёниги узатиш ва электр жиҳозлар тизими ҳамда бошқа қурилмалар капитан Алижон Худойбердиев бошчилигидаги техниклар гуруҳи томонидан бирма-бир синчиклаб текширилди, тегишли қисмлари созланди.

Хар эҳтимолга қарши, қутилмаган ҳодисалар рўй бериши мумкинлиги ҳисобга олиниб, аэродром ҳудудига жойлашган ўт учиритиш қомандаси, тезкор тиббий ёрдам қўрсатиш ҳамда шартли машиналар биринчи даражали шайлик ҳолатига келтирилди.

Бу ишлар талаб қилингандай жуда кўсқа фурсат ичида, ҳарбий учувчиларга ҳос ўта аниқлик ва тезлик билан амалга оширилди. Командирнинг ҳавотирларини

тушуна бўлади: экипаж зиммасига анчайин мушкул вазифа юклатилганди. Ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ учувчилар парвознинг дастлабки қисмида бир двигател ишдан чиққан вазиятда экипажнинг ҳатти-ҳаракатларини машқ қилишлари, иккинчи босқичда эса радиотехник воситалардан фойдаланмаган ҳолда ерга беҳишакт қўчишлар керак эди. Кейингиси, яъни диспетчерлар билан алоқа қўлмай

ниҳоят, юк самолёти экипажи — командир зобит М. Исмурзаев, қомандир ёрдамчиси капитан Р. Раманов, штурман капитан К. К. Лоджский, йўриқчи-штурман подполковник Р. Галипов ҳамда етакчи борт-техник капитан З. Кисановлар ўтирган автобус аэродром тарафга йўл олди. Салонда улардан ташқари муҳандислик хизмат ва авиатехник таъминот бўлими зобитлари ҳам бор эди.

## Ворислар



ерга қўнишни қўзлари боғлиқ одамнинг қўяқ чангалзор ичидан йўл топиб юришга менгаш мумкин.

Мана, комиссия вақили қатнашган тиббий қўриқ ҳам охирилади. Мутахассислар «ючинларнинг» соғлиғида зарарча салбий жиҳат, ўзгариш топмадилар. Шу ўринда мазкур спорт йўриқчилигининг ибратли фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Унинг ўзига ва бошқаларга талабчанлиги туфайли жамоа посбончилигининг ақсариёти бардам-тетик, ҳаммиси ўзларини аъло даражада ҳис этакдилар.

...Двигателларнинг момақалди-рокини эслатувчи гулдураган товуши биз турган муҳандислик хизмати хонасига яққол эшитиларди. Шовқин қўяча бориб, қўлушаранг улкан самолёт ердан узилди.

— Бошланчи ёмонмас, — деди ёнмадиги ҳамроҳим-ҳарбий учувчи, катта лейтенант Раҳимжон Йўлдошев дубриндан қўзини олиб, у ҳизматдош дўстларининг машқини қу-затиш учун чиққанди.

— Ўнг двигателни ўчиришди, — дейди Раҳимжон ва дубрини за-тади. Анча юқоридаги самолёт се-

зилар-сезилмас бир ёнга оғиб учарди. Бироздан кейин у яна ўнг-ланди. Бу эса учувчиларнинг биринчи босқинчи муваффақияти тугатишгандан далолат беради.

Хаво кемаси бир муддат шу зайлда айлана бўлиб парвоз қилган, секин-аста пастайи бошлади. Учувчилар ер билан алоқа қўлмай самолётни қўндиришга киришган-дилар.

— Бу машқни бехато утдлаш учун ҳудудни худаям яхши билиш керак, — Раҳимжоннинг овози эшитилди, — бундан ташқари қўшимча ускуналардан унумли фойдалана олиш зарур.

Ергача бор-йўғи 60 метрлар чамаси масофа қолган. Ёнг масъулиятли дақиқалар. Хаво кемасини бошқарётганларнинг қандай зўриқиб билан ишлаётганини, уларнинг вужуди кўз-қўлоққа айланганини тасаввур қилиш қўни эмас.

Орадан бир неча сония ўтиб, хаво кемаси биринчи уринишдаёқ бетон йўлкага оҳиста қўнди.

— Балли аэстаплат! — хитоб қилди катта лейтенант ҳайрат ва севиничини яширолмади. Чиндан ҳам экипажнинг маҳоратига тан бермай илож йўқ. Парвозлар раҳбари майор Т. Холмирзаев ҳам худди шундай фикрда эди.

Комиссия таркибидидаги масъул зобитлар учувчилар гуруҳи топширилган вазифани тўлиқ ва белгиланган вақт ичида бажара олган-лигига ва бу жараёни пайтида дегирли ҳеч қандай хато-камчиликка йўл қўймаганликларини қайд этишлар.

Юқорида мухтасаргина баён қилинган синов парвози амалга оширилгандан бери биринчи вақт ўтди. Уни бот-бот эсга оларканман, дафнатар, «Ахир бу учувчилар иккинчи жаҳон урушида мислсиз маҳорат ва жасорат кўрсатган Ўзбек ўгонларининг ворислари» — ўғиллари, набиралари-ку! деган фикр миямга яшиндай урилади. Зотан, оқудан дарё оқмай қолмас, деганларини ҳам шу бўлса керак...

Безқод ИСРОИЛОВ. СУРАТЛАРДА: экипаж командири майор М. Исмурзаев навбатдаги парвоз олдириш, самолётнинг ҳавога қўтарилишига санокчи дақиқалар қолди. А. Эшбоев олган суратлар.

**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор, уруш фахрийси Аҳмадхўжа Ҳамидхўжаевнинг синглиси — Муфарах Ҳамидхўжа қизи, журналист — «Ватандош» радиосининг дастур бошқарувчиси билан суҳбати.**

— Аҳмадхўжа ака! Сиз билан кўтлуг байрам арафасида қўришмига келарканман, ҳаёлимдан уч сўз: «Ёшлик», «Уруш», «Олимпик» гўжгон урди. Ўйладим, бу бир қисматдаги ҳам қувончли, ҳам армонли нуқтарлар. Улар орасида катта бир умр, кураш, шодлик, армон аталмиш баён бор. Сиз бу баённи қандай таърифлайсиз?

— Синглим, берган саволингизда бир узвий мантик бор. «Ёшлик» бу қайтиб келмайдиган, қайта тақорланмайдиган ажиб дамлардир. Ёшлик — марғурилик, демек. Бу неъмат меҳнат орқали, илм, билим орқали юзага келади. Шу боис ёшлик фаслини қадрлаш керак. У кейинги умрга ҳамкор, ҳамнафас бўлсин. Кейинги умр парвозига қўшқанот бўлсин. Уруш — уруш эса, бу офат. Жаҳонни ларзага солган даҳшат. Инсоният яратган моддий ва маънавий бойликларни соғуради. Кишилар ёстигини қуритади. Тўғишганларни, суйишганларни бир-биридан тирик жудо қилади. Муштиллар ота-оналарни қирқиратган вабодир, бу уруш деганлар. Бу дунёнинг ишларини қаранг: уруш Ватанга бўлган инсоннинг муҳаббатини, меҳр-оқибатини бирлаштиришга йўналтирувчи қудратли куч ҳам. Шу қудрат фашизм балосини даф этди. Дунё халқларини бирлаштирди. Тили бўлак, дини бўлак, мазаб ва маслага бўлак халқларни бир мушта жамлади. Ёвузликка қарши эрк ва адолат бирлашди, оқибат ҳақиқат ғолиб келди. Балки айнан шу ғолиблик вақти келиб, мустабид тузумни ҳам парчалаб юборди ва нихоят Яратганга шукроналар бўлсинки, ВАТАН овоз ва ободлик йўлига чиқди. Юртбошимизнинг олиб бораётган сиёсатининг мағзи ҳам ана шу эрк ва адолатни, муқтақиллиқни кўз қорачиқдай асраш, ардоқлашдир.

Менинг шу муборак кун арафасидидаги ниятим, тилагим шуки, урушни биз кўрдик,







## Спорт

## МУРАББИЙ ХОТИРАСИ

Владимир Яковлевич Гольденштейнни шахримизда иқтидорли волейболчи, велоспортчи, учқураш устаси сифатида яхши танишарди. Кейинчалик у Юнусобод туман спорт кўмитасининг раиси сифатида 30 йилдан ортиқ вақт давомида фаолият кўрсатиб, туман ва шаҳарда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ишига катта ҳисса қўшди. Унинг муҳими, у Ўзбекистонда спортнинг дартс турининг куртак ёсиб, оммавий равишда ривожланишига асос солган спорт жонқуярларидан эди.

Шуниси тахсинга лойиқки, жонқуяр мураббий ва мохир ташкилотчининг вафотидан сўнг ҳам унинг хотираси доимий эъзодида. Жумладан, яқинда В. Я. Гольденштейннинг хотирасига бағишлаб волейбол бўйича фахрийлар турнири ўтказилди. Унда Шахонтоҳур, Яқкасаров, Мирзо Улугбек ва Юнусобод туманлари фахрийлари иштирок эттишди. Мусобақада юнусободлик фахрийлар ғолиб чиқдиши.

Куни кеча тумандаги Х. Олимжон номида Маданият уйининг катта залида Юнусобод туман жомчилиги, спорт кўмитаси ва маданият бўлими ташаббуси билан В. Гольденштейн хотирасига бағишлаб дартс мусобақалари ўтказилди. Унда республика миқёсининг турли вилоятларидан келган энг кучли профессионал дартсчилар билан бир қаторда хаваскорлар ҳам иштирок эттишди. 60 га яқин профессионаллар қатнашган беллашуларда эркаклар ўртасида Владимир Гилев, аёллар ўртасида эса Амалия Усмоноваларга тенг келадиганлар топилмади. Хаваскорлар ўртасида эса «Народное слово» газетасининг мухбири С. Данилов барча рақибларини доғда қолдирди.

Хотира мусобақасининг барча ғолиб ва совриндорлари дартс уйини анжомлари, пул мукофотлари ва спорт кийимлари билан тақдирланди.

Даврон ИСАЕВ.

## ОЛИМПИАДАГА ТАЙЁРГАРЛИК ДОИРАСИДА

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтига Миллий олимпия кўмитаси ташаббуси билан илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда Республика олимпия академияси мутахассислари, ўқитувчилар ва мураббийлар иштирок этди. Анжумани Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси президенти Собир Рўзиев бошқарди.

Анжуманда жаҳон олимпия ҳаракатида иштирок этётган 197 мамлакат спортчилари қатори республика миқёсида спортчиларини ҳам кейинги олимпия ўйинларига тайёрлаш концепциясини ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди. Шунингдек, анжуман иштирокчилари аънаваний спорт турларини ривожлантириш лозимлиги ҳақида тўхталиб ўтишди.

Озод ХАЛИЛОВ.

Республикада хизмат кўрсатган мураббий, спорт устаси, халқаро тоифадаги ҳакам Мамажон ака Мухиддиновни ўзбек шахматининг жонли тарихига қиёбслаш мумкин. Зеро, сўнгги 40 йил мобайнида республикада ўтказилган бир неча ўйнаб йирик, нуфузли мусобақа ва тадбирларга бош-қош бўлган Мамажон ака шахмат бўйича Ўзбекистоннинг тўрт қарра чемпиони бўлиши билан бирга у «Ўзбекистонда шахмат тарихи» диссертациясини муваффақиятли ёқлаб, шахмат тарихи бўйича биринчи фан номзоди илмий даражасига эга бўлган олимдир. Унинг республика миқёсида ва журналлари, жумладан «Оқшом» саҳифаларида чоп этилган, Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси орқали берилган 5000 дан зиёд мақола, ҳикоя, очерк, лавҳа, хабар, репортажлари, йигирмадан ортиқ китоблари республикада шахматнинг ривожланишига катта ҳисса қўшган. Бугунги кунда кутул 70 баҳорни қаршилаётган Мамажон ака ҳамон ёшларга ҳозир, шижоат ва жўшқинлик билан Ўзбекистон Республикаси шахмат федерациясининг биринчи вице-президентли сифатида «От суриб, фил ўйнатиб» республика миқёсида шахмат ҳаётида «янаёна-тошмоқда». Бизнинг М. Мухиддинов билан сўхбатимиз ҳам Ўзбекистонда ушбу спорт турининг бугунги кундаги ютуқлари, унинг келажак истиқболлари ҳусусида бўлди.

— Мамажон ака, кўп сонли оқшомхонлар номидан сизни таваллудингизга 70, спорт ҳамда жодий-илмий фаолиятингизга 50-йил ўлиши муносабати билан табриклиямиз.

— Раҳмат. Соғ-саломат эканман, доимо Ўзбекистон шахмати ривожига ўз хиссамни қўйишга тайёрман.

— Айтингчи, айни дамларда қалбнингиздан қандай хислар кечкани?

— Оқшомни айтганда, мустақиллигимиз шарофати билан ўзбек шахматининг жаҳон мамлакатлари узра ғолибона олимларини кўриб, шундай қулиғарга етказгани учун Яратганга беҳад шукроналар айтилган. Қувонмай бўладими ахир, илгарилари республика миқёсида шахматчилари жаҳон чемпионатларида қатнашганини фақат орзу қилиб, энтиқиб қўядилар, холос. Энг қувонарлиси шундаки, утган йил натижалари бўйича Ўзбекистон шахмат терма жамоаси барча спорт турлари бўйича терма жамоалар ўртасида биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Мусобақалар тақвими тобора бойиб борапти. Айниқса, болалар, ёшлар ўртасидаги мусобақаларда ёш иктидорларнинг қўллаб-қашш этилиши кишида келажакка умид туғдиради. А. Хўжаев хотира турнири тўхтаб қолган эди. Бу йилдан у яна тиклани.

Олий лига эркаклар ўртасидаги бу йилги олтинчи Ўзбекистон чемпионати эса алоҳида нуфузи, файзи билан ажралиб туради. Зеро, чемпионатда Ненашев, Салтаев, Йўлдошев каби урта гроссмейстер иштирок этаётганини сабаби ФИ-



ДЕ конун-қондаларига кўра гроссмейстерлик талаблари белгиланган. Унда аввалги аjoyиб натижаларига кўра гроссмейстерлик балларини тўплаган Рустам Қосимжоновдан умидларимиз бор. Бундан ташқари фахрийлар ўртасида ҳам Ўзбекистон чемпионати аънавий тус оляпти. Ушбу турнирга Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-таъминот вазирлиги, яна бир қанча идоралар ўз совринларини таъсис этишди. Қаршида ўтган республика болалар ва ўсмирлар чемпионати 20 ғўшдан 18 ғўшга бўлган барча ғолиблар шу йилнинг

октябр ойида Франциянинг Канн шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида қатнашши ҳуқуқини қўлга киритишди. Энг муҳими шундаки, республика ўсмирлар чемпионатида зафар қуган Самарқанд шаҳри вакиллари бўлиши Ирода,

## Шахмат

ОТ СУРИБ,  
ФИЛ  
ЎЙНАТИБ

Иброҳим ва Жўрабек Ҳамроқуловларнинг жаҳон чемпионатидаги йўналиш олишлари ҳам ўзбек шахматининг катта ютуғидир. Зеро, озод журтизмиздан машҳур опа-сингил Полгарлар сингари келажакда порлоқ шахматчилар сулоласи етишиб чиқапти. Ушбу сулоланинг туртинчи вакили — Шаҳноза эришяётган ютуқлар ҳам салмоқлидир.

— Бугунги кундаги энг умидли шахмат усталаримиз ҳусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Шуниси таъкидга лойиқки, ҳозирда Ўзбекистонда бир гуруҳ ҳақда кўчи шахмат усталари етишиб

чиқиб, улар А. Хўжаев, Г. Аъзамовларнинг хайрли аънавларини муносиб давом эттириб, Ўзбекистонда шахматнинг янада кенг ривожланишига муҳим йўл очмоқдалар. Рустам Қосимжоновнинг ёрқин иктидори тўғрисида кўпчилик яхши билими. С. Йўлдошевнинг жаҳон олимпиадасида ғолиб чиқиб, гроссмейстерлик талабларини ошириб бажарганилиги ҳам унинг ўзбек шахматининг бақувват устунларидан бири эканлигини кўрсатади. Яқинда Москвада 12 та МДХ давлатлари болалар жамоалари ўртасида «Кремль куртлари» деб номланган мусобақалар бўлиб ўтди. Унда жамоамизнинг 12 қонанда ўртасида 4-ўринни эгаллашда биригилган ўзини севансиди 7 та гроссмейстер билан донда суриб, 4 очко жамғарган Иброҳим Ҳамроқуловнинг ҳам ҳиссаси катта бўлди. Иброҳим 15 ғўшда бўлишига қарамай ФИДЕ ва Ўзбекистон мастери ҳисобланди. Наманганлик 12 ғўшда Баҳодир Холимов заведан ҳам умидларимиз катта.

— Республикада шахмат ривожига монелик қилаётган муаммолар ҳам борми?

— Биринчи навбатда шахмат-шаха клубининг ишлари жонлантириш керак. Клуб тўғрисида шахмат федерацияси илтиҳоти берилса, нур устига аъло нур бўларди. Шунингдек, айрим муаммоларга совринлар ажратишда ҳоимлар етишмаяпти. Узининг илмий тадқиқотларини натижасида Ўзбекистоннинг шатрақна ва тани эканлигига ишонч ҳосил қилганман. Зеро қадимдан шахматнинг ривожланишида журтизмизнинг ҳиссаси катта бўлган. Истардимки, келгусида республикада халқаро миқёсдаги турнирлар ташкил қилиб, унга жаҳондаги кучли шахматчилар тақлиф этилса, шунда ёшларимизнинг маҳорати ҳам тез ўсарди. Қолаверса, ўзбек қўзлари орасидан ҳам шахматчилар қўлайса дейман.

Дилшод ИСМОИЛ  
сўхбатлашди.

«02»

## ИЧКИПИБОЗЛИК КАСОФАТИ

Ҳамза тумани ички ишлар бўлими ходимлари шахримиздаги 6-темир бетон буомлар заводида ишловчи С. Смирновнинг хатти-ҳаракатини кўриб ёқа ушлашдан бошқа чоралари қолмади. Мастлик тубанилик сари бошланишининг яна бир исботини шу шахс мисолида кўриш мумкин. Смирнов ниҳоятда кўп спиртли ичимлик истеъмол қилади. Нонга пул топмаса ҳам араққа пул топади. Арақ ичиш оилани ҳам издан чиқариб боши берк қўчага олиб келиб қўйди. Хотини Зинаида минг бақирмасин Смирнов арақ ичишни қанда қилмай уйга арағ қилиб келарди. Эрининг боқибегамлиги Зинаиданинг жонидан ўтиб кетди. Бир кўнмас бир кўн инсоф кириб қолар, деган умиди ҳам қўзғи апроқлардай сарғайиб қазон бўла бошлаганди. Нима қилсин бир ўзи ўғлининг уст-боши, овқатига қарасинми ёки тарбиясига, ота арақхўр бўлса.

Зинаиданинг кўз ёши қилиб бормаган жойи қолмади. Маҳалла кўмитаси, темир-бетон буомлари заводи. Ҳаммасида бир хил жавоб олди: «Эрингизни ўзимиз йўлга солимак». Шундан кейин Смирновнинг хатти-ҳаракатларини муҳокама қилмаган ташкилотнинг ўзи қолмади. Аммо кўн билан кирган жон билан чиқди, деганларидек Смирновнинг арақхўрлиги олиб қўлмади. Бир, икки гал «хўп» деб қўлга олиб бўлди. Лекин панду насихатлар Смирновга асло қор қўлмади.

Хотини ҳам бўш келишни истамайди. Завод мазмурияти билан гаплашиб маош оладиган кўнни билиб олди. Маошини эрининг қўлидан суғуриб олиб қўнғатига солиб қўйди. Эр эса ўзининг арақа бўлган нафсини қонқириси мақсадида уйдаги нарсаларни гўнқўна сотиб ичкили бошлади. Сотилган моллар ичиди ўғлининг қийимлари, ҳатто дафтар, рўнқалар ҳам бор эди.

Ҳамза тумани ички ишлар бўлими қўриқлаш бўлими ходимларига 156-мактабга ўғри келганини ҳақида ташвишли хабар келиб тушди. Ходимлар маъналия беш дақиқа ичиди етиб боришди. Кай қолмади Смирнов мактабдаги сингга деразани синдириб кириб бутун бир синфни ағдар-турган қўлиб юборганди. Иккинчисига ўтганида қўриқлаш бўлими ходимлари томонидан қўлга олинди. Ҳозир тергов ишлари олиб борилюмоқда.

Мирза АБДУЛЛАЕВ,  
Тошкент шаҳар ИИББ ходими.

## ОҚШОМХОНЛАР ДИҚКАТИГА!

«Тошкент оқшоми» газетасининг навбатдаги сонги 12 майда чиқади.

## Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БОШГИДРОМЕТИГА ҚАРАШЛИ В. А. БУГАЕВ  
НОМИДАГИ ЎРТА ОСИЁ  
ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИКОТ  
ИНСТИТУТИГА БУШ ЎРИНГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН  
ҚИЛИНАДИ:

- ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МЕТЕОРОЛОГИЯСИ БЎЛИМИГА — БОШЛИК
- ОБ-ХАВО ПРОГНОЗЛАШТИРИШ БЎЛИМИГА — ЕТАКЧИ ИЛМИЙ ХОДИМ
- ТАБИИЙ МУҲИТНИНГ ИФЛОСЛАНИШИНИ ТЕКШИРИШ ВА ПРОГНОЗЛАШТИРИШ БЎЛИМИГА — КАТТА ИЛМИЙ ХОДИМ
- ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МЕТЕОРОЛОГИЯСИ БЎЛИМИГА — КАТТА ИЛМИЙ ХОДИМ
- ФАОЛ ТАЪСИР БЎЛИМИГА — КАТТА ИЛМИЙ ХОДИМ

Танлов мuddати Эълон қилингандан бошлаб 15 кун.  
Хужжатларни директор номиди қўйидаги маъналия юборинг: 700052, Тошкент-52, Қ. Махсумов кўчаси 72, Тел: 35-83-50.

Й. Охунбобоев номи  
Республика тиббиёт билим  
юртида 12, 13, 14 майда  
«Очиқ эшиклар кўни»  
ўтказилади.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳри,

Барнаул кўчаси, 9. Телефон: 48-39-88, 48-70-05.

АВТОБУС: 10, 14, 18, 85,  
88, 97, 123, 179.

ТРОЛЛЕЙБУС: 10, 14, 22, 26, 27.  
ТРАМВАЙ: 10, 27.

## ҚУЛАЙЛИМИЗ!

Хўрматли Тоҳиржон ака СОДИҚОВ!  
Сизни муворақ тўйингиз, яъни 50 ғўша тўйингизга муносабати билан чин қалбдан муворақбод этишимиз. Жамоамиз — «Қўйқота» умумий овқатланиш корхонаси ходимлари номидан Сизга узок умр, мустақам соғлиқ тилаймиз. Умр йўлдошингиз ва фарзандларингиз бахтига доим омон бўлинг!

Жамоа ходимлари номидан  
Фатхулложақ Мақсудов.

ЎЗБЕКИСТОН БУХГАЛТЕРЛАР  
ВА АУДИТОРЛАР  
АССОЦИАЦИЯСИ

лицензияли аудиторларни ўқитиш ва тайёрлашни давом эттирилади.  
Янги гуруҳ ўқиши 1997 йил 15 майда бошланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ниёзбек йўли (собиқ Урицкий кўчаси), 6.

Телефонлар: 34-01-87, 35-72-51.

Миробод туманидаги масъулиятчи қилган «Сапал» жамияти тўғрисида  
Эътирозлар Эълон қилган кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

А. Султонов номида Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий тадқиқот институти жамоаси директор ўринбосари Умархон Мухторович Азизовга онаси  
Муборак АЗИЗОВНИНГ  
вафот этганини муносабат билан чўқур таъзия билдиради.

## ДИҚКАТИ

1997 йил 12-19-30 МАЙ ҳамда 6-20-25 июнда  
соат 10.00 да

Акмал Икромов туманида жойлашган «Газавтоматика» ОТАЖ-га қарашли халқ эҳтиёжи моллари:  
— 20 та, бошлангич нархи 80000 сўм; ПН-161 2 та, бошлангич нархи 10000 сўм; ПН-23, бошлангич нархи 100000 сўм; тик йўналишда кесувчи станоклар: МФ-138.5 та, бошлангич нархи 27000 дан 80000 сўмгача ҳамда тик йўналишда кесувчи станоклар: 36633, 1 та, 6-32, 1 та, МС-3, бошлангич нархи 2500 дан 3300 сўмгача.

Совутичлар: КТ-80, 1 та, бошлангич нархи 200000 сўм ҳамда ПН-161 1 та, К-2118 1 та, 2Н125 2 та, К2118 4 та, 6М82 1 та, 6Р80 1 та бошлангич нархи 30000 дан 90000 сўмгача.

Пресслар: 8 та, бошлангич нархи 12000 дан 40000 сўмгача.

Миробод туманида жойлашган «Узшаҳарқурилиш» ОТАЖга қарашли халқ эҳтиёжи моллари:  
— анкерс — 200 та, бошлангич нархи 60000 сўм; асбокартон — 200 та, бошлангич нархи 10000 сўм; асбокартон электр давигатели — 20 та, бошлангич нархи 60000 сўм; очик проволкали ўчирим — 42 та, бошлангич нархи 2100 сўм; релсотка вентилятор — 450 та, бошлангич нархи 20250 сўм; текник тарозилар — 12 та, бошлангич нархи 12000 сўм ҳамда тарози — 1 та, бошлангич нархи 500 сўм; виворотлар — ЦВ-102 2 та, бошлангич нархи 6000 сўм; ЦВ-98 3 та, бошлангич нархи 9000 сўм; вивалар — ЦВ-110 та, бошлангич нархи 500 сўм; ЦВ-51 25 та, бошлангич нархи 1250 сўм; штепселли 15 та, бошлангич нархи 750 сўм.

вольтметр — 10 та, бошлангич нархи 50000 сўм; вольтметр — 56 та, бошлангич нархи 15000 сўм; ўчиримчилар — иккита тумвали 90 та, бошлангич нархи 4500 сўм; ташиқ проволкали 5328 та, бошлангич нархи 266400 сўм; ички проволкали 100 та, бошлангич нархи 5000 сўм.

газ плиталари — 3 та, бошлангич нархи 24000 сўм ҳамда газ плитаси 6 да 57 та, бошлангич нархи 142500 сўм.

эшиқ задижикаси — 980 та, бошлангич нархи 98000 сўм; дераза задижикаси — 1900 та, бошлангич нархи 285000 сўм ҳамда шпингалетли задижика — 622 та, бошлангич нархи 93300 сўм; запорний клапан — 1255 та, бошлангич нархи 516200 сўм.

эшиқ зашелкаси — 18 та, бошлангич нархи 2340 сўм ҳамда кесувчи 24 та, бошлангич нархи 3120 сўм.

спесарикли зубилари — 245 та, бошлангич нархи 49000 сўм; қанчилар — 10 та, бошлангич нархи 10000 сўм; буюк чўчалари — 3202 та, бошлангич нархи 160100 сўм; клещилар — 10 та, бошлангич нархи 5000 сўм ҳамда сварка клещилар 14 та, бошлангич нархи 4900 сўм.

қосқалар — 17000 та, бошлангич нархи 765000 сўм; брезент қосқолар — 35 та, бошлангич нархи 35000 сўм; қотел УБ-30 1 та, бошлангич нархи 5000 сўм.

газ ўнчирим — 510 та, бошлангич нархи 40800 сўм; охиқона учун қран улагич — 85 та, бошлангич нархи 70400 сўм; қувалдалар — 20 та, бошлангич нархи 10000 сўм; лиқалар — 10 та, бошлангич нархи 12000 сўм; микрокрос — 1 та, бошлангич нархи 3000 сўм.

монийда металликлар — 82400 сўм ҳамда мойка 2 та, бошлангич нархи 2800 сўм.

насос К— 80-50-20 — 1 та, бошлангич нархи 1500 сўм; ўт ўчирим — 25 та, бошлангич нархи 9100 сўм.

ПБ1 пелерулоқлар — 310 та, бошлангич нархи 13950 сўм; плаш — 80 та, бошлангич нархи 80000 сўм; пневморезорез — 1 та, бошлангич нархи 2500 сўм.

пневмосверл станок ИПТ-3 2 та, бошлангич нархи 5000 сўм; ҳамда ИПТ-2 та, бошлангич нархи 4000 сўм.

пневмо пульт УОТ — 2 та, бошлангич нархи 2000 сўм; релсьлар р-50 — 21 та, бошлангич нархи 315000 сўм; рақалар — 2 та, 2580 та, бошлангич нархи 24760 сўм ҳамда ички проволкали 4985 та, бошлангич нархи 199440 сўм.

рубличлик Р-2315 — 99 та, бошлангич нархи 9900 сўм ҳамда Р-3545 49 та, бошлангич нархи 4900 сўм.

ручкарлар — РС — 2 та, бошлангич нархи 387000 сўм; болалар учун 39 та, бошлангич нархи 1365 сўм; завертка учун 65 та, бошлангич нархи 1950 сўм.

этиклар — 29 та, бошлангич нархи 42373 сўм; умивальник учун синфорлар — 1859 та, бошлангич нархи 223080 сўм ҳамда охиқона учун синфорлар — 433 та, бошлангич нархи 52680 сўм.

кир ювиш машинаси — 1 та, бошлангич нархи 350000 сўм; қўритиш барабани — 2 та, бошлангич нархи 100000 сўм; умивальниклар — 500 та, бошлангич нархи 5000 сўм; унитазлар — 350 та, бошлангич нархи 350000 сўм.

пақталли эркаклар халатлари — 103 та, бошлангич нархи 36050 сўм.

шукатурка станцияси — 1 та, бошлангич нархи 25000 сўм; сечетникнинг шити ШОБ — 17 — 97 та, бошлангич нархи 291000 сўм.

бир фазали электр сечетчилари — 2 та, бошлангич нархи 3000 сўм.

пақталли қосқоллар — 70 та, бошлангич нархи 42000 сўм.

Собир Раҳимов туманида жойлашган Улғуржик чакана мева-сабзавот корхонасига қарашли бир қаватли, йиғилги савдо зали, омборхонаси ва мазмурий хоналардан ташкил топган 1986 йили қурилган 20-сонли дўкон, бошлангич нархи 1700000 сўм.

музлаткич «Гайр-102» — 1 та, бошлангич нархи 30000 сўм; қасоса аппарати — 1 та, бошлангич нархи 6000 сўм.

тарози — 2 та, бошлангич нархи 2000 сўм ҳамда тарози савдоник 1 та, бошлангич нархи 15000 сўм.

Шарқ Ж/Хга қарашли:

К. Гусуловнинг туманида ва АКЕК ТУРОН чикарган қиймати 50000 сўм бўлган 2 та вексел, бошлангич нархи 50000 сўм.

«Москвич-412» русумли автомашини, 1990 йили ишлаб чиқарилган, 1 дон, бошлангич нархи 130000 сўм.

ИЖ 2715 русумли юк ташушчи фургон, 1987 йили ишлаб чиқарилган, 1 дон, бошлангич нархи 50000 сўм.

ИЖ 271501401 русумли кузовли пикап, 1989 йили ишлаб чиқарилган, 1 дон, бошлангич нархи 110000 сўм.

ИЖ 2715 русумли кузовли фургон, 1989 йили ишлаб чиқарилган, 1 дон, бошлангич нархи 115000 сўм.

«Листиница» номли ёзув машинаси, 2 дон, бошлангич нархи ҳар бири учун 10000 сўм.

«Ятрян» номли ёзув машинаси, 2 дон, бошлангич нархи ҳар бири учун 5000 сўм.

«Радуга» телевизор 1 дон, бошлангич нархи 10000 сўм.

«Моторола» уяли алоқа телефони, 1 дон, бошлангич нархи 200000 сўм.

Совутичлар: БК 1 дон, бошлангич нархи 10000 сўм; БК-1500 5 дон, бошлангич нархи 10000 сўм; БК-1500 2 дон, бошлангич нархи 10000 сўм; БК-2500 2 дон, бошлангич нархи 10000 сўм; ички этич (кирза) — 400 жудт, бошлангич нархи 566400 сўм; болалар максиси — 2753 та, бошлангич нархи